

2026 йил 24-феврал

“Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналари халқаро ЭСГ рейтингларига эга бўлди

**“O‘ZKIMYOSANOAT” AJ TARMOQ
KORXONALARI XALQARO
ESG REYTINGLARIGA EGA BO‘LDI**



“Dehqonobod kaliy zavodi” AJ — 37 ball
“Maxam-Chirchiq” AJ — 16 ball
“Ammofos-Maxam” AJ — 12 ball

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 19-апрелдаги ПҚ-163-сон қарори ижроси доирасида давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш ва замонавий

корпоратив бошқарувни жорий этиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур вазифалар доирасида Ўзкимёсаноат АЖ тармоқ корхоналари S&P Global халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда ESG рейтингларини қўлга киритди. ESG натижалари:

- “Дехқонобод калий заводи“ АЖ — 37 балл
- “Максам-Чирчиқ“ АЖ — 16 балл
- “Аммофос-Максам“ АЖ — 12 балл

Мазкур натижалар тармоқда экологик масъулият, ижтимоий барқарорлик ва корпоратив бошқарув стандартларини босқичма-босқич жорий этиш жараёнлари кетаётганини кўрсатади.

“Ўзкимёсаноат“ АЖ тармоғида ESG тамойилларини жорий этиш — бу шунчаки рейтинг эмас, балки барқарор ва масъулиятли келажакка қаратилган стратегик қадамдир.

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-tarmoq-korhonalari-halqaro-esg-reyt-inglari>